



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 20 апрель, № 77 (6512) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари хорижликларни мафтун этди



Яқинда Латвиянинг Рига шаҳрида "Baltic Fashion & Textile Riga — 2016" XXI халқаро тўқимачилик саноати кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 17 мамлакатидан 200 дан зиёд компаниялар, шу жумладан, юртимиз вакиллари ҳам иштирок этди.

ЭЪТИРОФ



Мазкур нуфузли халқаро тадбирда кенг турдаги тўқимачилик маҳсулотлари, кундалик ва иш кийимлари, саноат ускуналари ҳамда эҳтиёт қисмлар намойиш қилинди. Ўзбекистон миллий экспозициясидан ўрин олган йиғилган олий навли ип, юкори сифатли газлавлар ва тайёр кийим-кечаклар ташриф буюрувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Шунингдек, қатнашчилар мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг барқарор ривожланиши, икат матоларининг яратилиши ҳамда замонавий дизайнерлик намуналари билан ҳам яқиндан танишдилар.

Модалар намойишини ўз ичига олган мазкур тадбирда ўзбек миллий ва замонавий либослари тўплами "Мафтун" номи остида тақдим этилди. Бундан ташқари, кўргазма доирасида "Мода ҳамда дизайн: мода саноати, тенденциялари ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи" мавзуида халқаро семинар ўтказилиб, унда мезбонлардан ташқари Буюк Британия, Италия, Литва, Ўзбекистон ҳамда Франциядан келган мутахассислар ҳам соҳа бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

(Давоми 2-бетда).

БУНЁДКОРЛИК

Мамлакатимизда Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилишига киришилди. "Ўзбекнефтегаз" Миллий холдинг компанияси тизимидаги мазкур янги завод саноатимиз салоҳиятини юксалтириш, экспорт ҳажмини оширишга хизмат қиладиган муҳим объект бўлиши кутилапти.

Нефть-газ саноатида яна бир йирик лойиҳа

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодийнинг локомотивларидан бирига айланган нефть-газ саноати кейинги йилларда жадал суръатларда ривожланмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон нефть-газ жабҳасида юз бераётган мураккаб жараёнларга қарамадан, юртимиз углеводородлар бозорига эгаллаб турган мавқени тобора мустаҳкамлаб бораётгани шундай дейишимизга тўла асос бўла олади. Шубҳасиз, кўлга киритилаётган ушбу ютуқлар замирида Президентимиз ташаббуси билан соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, қулай инвестициявий муҳит яратилгани, бунинг самараси ўлароқ, кўплаб замонавий мажмуа ва йирик

корхоналар фойдаланишига топширилаётгани муҳимдир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган тизимли ислохотлар заминимиз қаъридаги табиий бойликларни халқ фаровонлиги йўлида ўзлаштириш, уни чуқур қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш имконини бермоқда. Натижада бирламчи ёқилги-энергетика ресурсларига бўлган ички эҳтиёж тўлиқ таъминланиши баробарида, экспорт ҳажми мунтазам равишда ошириллапти. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 мартдаги "2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модерни-

зация ва диверсификация қилини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтириб, сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда. Гап шундаки, мазкур ҳужжатга мувофиқ, жорий йилда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлашга йўналтирилган ўн битта, 2017 йилда бешта, 2018 йилда тўққизта, 2019 йилда ўн тўртта ва 2019 йилдан сўнг яна ўн битта лойиҳа рўёбга чиқарилади. Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси улар орасидаги энг йирик заводлардан бирдир.

(Давоми 2-бетда).

Парламентнинг назорат функцияси сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда

Республикаимизда сўнгги йилларда амалга оширилган конституциявий ислохотлар давлат ҳокимияти тизимида олий вакиллик органи — парламентнинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирмоқда.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Бунда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 январдаги парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қўнунчилик талаблари ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атофлича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг қўнунлик иши бўлиши зарурлиги оид билдирган фикрлари улкан аҳамият касб этмоқда. Яқинда кучга кирган "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонун ҳам парламентнинг назорат функциясини сифат жиҳатидан янги асосда қуриш ва таъминлаш бўйича са-

марали тизим яратилишига салмоқли пойдевор бўлиши, шубҳасиз. Дарҳақиқат, ушбу вазифаларни ҳал этиш мақсадида парламент назорати оид яхлит ҳамда тизимлашган ҳуқуқий база — "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонунни яратиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бориладигани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, парламент назоратига оид пухта ҳуқуқий асосни ишлаб чиқиш жараёнида соҳага оид қатор қўнун ҳужжатлари, тўпланган тажриба ва амалиёт таҳлил қилинди. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Жанубий Корея, Япония ҳамда бошқа давлатларнинг ишқор тажрибалари ўрганилиб, эътиборга олинди.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

Кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ардоқлаш халқимизга хос азалий қадриятлардандир. Ушбу олижаноб фазилат мустақиллик йилларига келиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундан биз ҳамisha гурурланиб, хурсанд бўлиб юрамиз.

Юксак эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз

Қўлларимизни дуога очганда ҳам мана шундай дорилардан кўнларга етказгани учун шукроналар айтаман, тинч ҳамда фаровон ҳаётимиз бардавом бўлсин, дея ният қиламан. Бу йил 95 ёшни қаршилайман. Уч қиз ва уч ўғилни тарбияладим. 22 нафар набирам, 60 нафар эварам, яна 12 нафар чеварам бор. Инсон умрида оёсийшталанинг ўрни қанчалик муҳим эканини мен ўз ҳаётим мисолида кўрдим. Ниятларингиз, орзу-умидларингиз фақат тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон бўлган жойдагина амалга ошаркан. Базан ёлғиз қолганимда шулар ҳақида ўйлаб, умрим-

нинг ўтган йилларини хотирлайман. Афсуски, айни ўйнаб-қуладиган йиғитлик чоғимиз уруш даврига тўғри келди. Одамларда ҳаловат йўқолган, кун кечириб қийин... Эҳ-ҳе, буни айтишнинг ўзи жуда огир. Биз ана шу мусибатларни бошимиздан кечирганимиз учун ҳам ёшларга насиҳат қилганда, "Тинчликнинг қадрига етинглар, мустақилликка муносиб фарзанд бўлинглар", дея уқтираман. Чунки ҳозирги ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди. Кўз тегмасин, қоннадек мактабларда, институтларда ўқишапти.

(Давоми 2-бетда).

Оилаларни мустаҳкамлашда маҳалла институтининг аҳамияти ортмоқда

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан оилаларни мустаҳкамлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда маҳалла институтининг ўрнига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Унда фонд мутасаддилари, қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари ходимлари ҳамда журналистлар қатнашди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, ёш оилаларга зарур қўмак ва ёрдам бериш, ёшларимизни турли зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, миллий урф-одатларимизни кенг тарғиб этиш, бу бора-

да маҳалланинг ўрни ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Пировардида эса оилаларни мустаҳкамлаш, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, маҳалла-ларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни тобора салмоқли бўлиб бораётир.

(Давоми 2-бетда).

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "Соғлиқни сақлаш — ТИЕ — 2016", "Фармацевтика саноати — AptekaExpo Central Asia — 2016" ҳамда "Стоматология — Stomatology Uzbekistan — 2016" халқаро кўргазмалари иш бошлади. Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, "Ўзфармсанот" акциядорлик концерни, "Ўзтибтехника" масъулияти чекланган жамияти, Стоматологлар уюшмаси билан ҳамкорликда "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.



Кўргазмаларнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов ва бошқалар мамлакатимизда тиббиёт муассасаларини

қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни замонавий тиббий анжомлар билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаётгани, пировардида бу жиҳатлар

(Давоми 4-бетда).

Депутатлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар истиқболлари юзасидан вазифаларни белгилаб олмоқдалар

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилиши, қишлоқ ҳудудларига саноатнинг кириб бориши, замонавий агротехнологияларнинг ўзлаштирилиши соҳадаги ютуқларнинг салмоғини белгиламоқда.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўз навбатида, мазкур саъй-ҳаракатлар қайта ишлаш саноатини, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилапти. Эътиборлиси, жаҳондаги кўплаб давлатларда ҳали бери молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари бартавраф этилмаган бир шароитда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга йўналтириш имкониятлари тобора кенгаймоқда. Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизimini та-

комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги фаолиятни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлиши, шубҳасиз. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қўнунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида мазкур қарорда белгиланган вазифалар асосида қишлоқ хўжалигида чуқур ўзгартиришларни давом эттириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фракция томонидан кўриллиши лозим бўлган амалий чора-тадбирлар муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда).

Хотин-қизларнинг ташаббуслари муносиб қўллаб-қувватланапти

Юртимизда аёлларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оилада, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берапти.

АЁЛ. ОИЛА. ЖАМИЯТ

Буни ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол қатнашиб, юрт равнақиға ўз улушини қўшаётган, миллий урф-одатларимизни кенг тарғиб этиш, бу бора-

сингилларимиз тимсолида яққол кўриш мумкин. Хусусан, Навоий вилояти хотин-қизлари ўртасида тадбиркор-

лик, илм-фан, маданият, таълим, тиббиёт соҳаларининг илғор вакиллари сафи тобора кенгаймоқда. Айниқса, бугунги кунда аёл-

ларимизда ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларида ўз бизнесини йўлга қўйиб, ишбилармонлик лаёқатини намоён этишга интилиш ортиб бораётир. Бошқача айтганда, хотин-қизлар етакчилигидаги тадбиркорлик субъектлари кўпаймоқда. Бу уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланганидан, барча жабҳада, жумладан, хусусий сектор ривожидан иштирок этиши учун ҳар тарафлама имкониятлар

мавжудлигидан, аёлларни ишсизликдан ҳимоя қилишга устувор эътибор қаратилаётганидан далolat беради. Навоий шаҳрилик Холисон Қудратова тадбиркорлик фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлмади, бироқ қисқа вақт ичида у қатор истиқболли лойиҳаларни амалиётга таътиб этди.

(Давоми 3-бетда).

Нефть-газ саноатида яна бир йирик лойиҳа

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бухоро вилояти худудидаги мазкур мажмуа “Лукойл” компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилаётган. Унинг тамал тоши қўйилиши муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг компанияси тизимида ҳар йили кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга ошириляётгани мамлакатимизнинг нефть-газ саноати салоҳиятини юксалтириш, иқтисодий рақобатдошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қурилиши бошланган янги корхона эса табиий газ ва газ конденсатини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини янада кўпайтириш ва уларнинг турини кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси “Қандим — Хаузд — Шоди” лойиҳаси доирасида қуриляпти. У тўлиқ фойдаланишга топширилган. Қандим конлари гуруҳидаги олтига — Қандим, Қувачи-Олот, Оққум, Парсанқул, Ҳожи ва Фарбий Ҳожи газ-конденсат конларини ўзлаштириш, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини кескин кўпайтириш учун кенг йўл очилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 сентябрдаги “Газни қайта ишлаш заводи комплексини қуриш ва Қандим конлари гу-

руҳини ободонлаштириш” лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини тасдиқлаш тўғрисида (биринчи босқич)“ги қарорига асосан, лойиҳа уч босқичда амалга оширилади. Хусусан, 2018 йилгача бўлган даврни қамраб олган дастлабки босқични рўёбга чиқариш учун жами 3,3 миллиард АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилиши кўзда тутилган. Шунинг ҳисобига газни казиб олиш ва чиқариш тизими, икки технологик линиядан иборат газни қайта ишлаш мажмуаси, маҳсулотни юклаб жўнатиш терминаллари, шу жумладан, магистрал газ қувури орқали табиий газни экспорт қилиш терминаллари ишга туширилади.

— Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси компаниясининг Ўзбекистондаги энг йирик лойиҳаларидан бири ҳисобланади, — дейди “Лукойл” компанияси президенти Вагит Алекперов. — Уни бунёд этиш учун энг малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда, замонавий технологиялар ҳамда юқори умумий маҳсус машина ва механизмлар кундан оқилона фойдаланиляпти. Қурилиш ишлари эса Корея Республикасининг “Hyundai Engineering Co., Ltd.” компанияси томонидан олиб борилляпти. Мазкур йирик объект фойдаланишга топширилгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни экспорт қилиш ҳажми кескин ошади.

Аниқроғи, заводнинг илк босқичи ишга туширилган, йилига

8,1 миллиард куб метр тозаланган табиий газ қайта ишланишидан ташқари, катта ҳажмда барқарор газ конденсати ва қумокланган олтингурут тайёрлаш учун сероводородли газ қайта ишлана бошланишини ҳисобга олсак, унинг нечоғли улкан лойиҳа эканлиги аққол аён бўлади.

Соҳа мутахассисларининг қайд этишича, заводга олтига газ казиб чиқариш майдончаси ва иккита йиғиш пунктига бирлаштирилган 114 та қудуқдан хом ашё келтирилади. Шу боис айна чоғда қудуқларни жиҳозлаш, маҳсус майдон, йиғиш пункти барпо қилиш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Булар поёнига етган, улкан завод 2 минг нафар ишчи-ходимни ўз бағрига олади. У тўла қувват билан фаолият юрита бошлагач эса, ишчилар сони 7 минг нафарга етиши мўлжалланмоқда.

Чўл бағрида бунёд қилинаётган замонавий корхонани ташқи коммуникация тармоқларига улаш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, мажмуани электр энергия билан таъминлаш мақсадида учта юқори вольтли электр узатиш линиясини тортиш, 55 километр узунликдаги темир йўлини ётқириш, 53 километрлик гидротехник иншоотни қуриш, автомобиль йўлларини барпо этиш, шунингдек, ишчилар шаҳарчасини қуриш чора-тадбирлари қўриляпти. Шу мақсадда “Ўзбекистон темир йўллари” ҳамда “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятла-

рининг мутахассислари жалб қилинган.

Эътироф этиш лозимки, юртимизда мавжуд қувватларни изчил модернизациялаш, замонавий объектларни барпо қилиш, янги конларни ўзлаштириш жараёнига илгор ва тежамкор технологияларни татбиқ этишга устувор ва зифа сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан биргина нефть-газ саноатида рўёбга чиқариляётган истиқболли лойиҳалар туфайли 2030 йилга қадар соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар ортishi кутуляпти. Бунга Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси салмоқли улуш қўшиши, шубҳасиз.

Қандим — чўл шароитига мослашган ўсимлик тури. У ўсган жойда кичик микроклимат ҳосил қилган ҳолда, бошқа наботот намуналарининг кўпайишига қулай шароит яратди. Шу маънода, бугун қурилиши бошланган улкан завод ҳам нефть-газ саноати раванқида янги уфқларни очиб, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, экспорт ҳажминини ошириш, пировардида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш бўйича белгилаб олинган устувор ва зифалар ижросига хизмат қилиши муқаррардир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари хорижликларни мафтун этди

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ўзбекистон делегацияси вакиллари таъкидлаганидек, республикамизда тўқимачилик саноати миллий иқтисодийнинг стратегик муҳим тармоқларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Натигада юртимиз дунё миқёсида табиий тўқимачилик маҳсулотлари, пахта-қоғоз маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиларидан бирига айланаяпти.

Семинарда мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёз ва афзалликлар, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, пахта толасини қайта ишлаш саноати, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий, “Ангрен” ҳамда “Жиззах” маҳсус индустриал зоналарининг имкониятлари хусусида батафсил маълумот берилди.

Кўргазма доирасида уюштирилган тадбирлар яқини бўйича Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларини Европа давлатларига етказиб бериш тўғрисида келишувга эришилди.

Иштирокчилар Ўзбекистоннинг миллий экспозициясидаги ишлаб чиқаришга мўлжалланган йиғирилган илдан тортиб, кийим тикш учун тайёр матолар, жумладан, ипак ва пахта ҳамда жун аралашган нимшоий газламаларга қадар кенг кўламадаги

тўқимачилик маҳсулотлари ўзларини мафтун этганини эътироф этдилар.

Анатолий БУТЕНКО,
Дипломатик иқтисодий клуб котиби:

— Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари бу гал ҳам ўтган йиллардаги каби мутахассислар харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўзбек газламалари тўлиқ пахтадан тайёрланган. Бундай тоза ҳамда асл маҳсулот Европада жуда кам учрайди. Кўргазма чоғида намойиш этилган миллий ўзига хослик ва рангбаранглик ҳам мени ҳайратда қолдирди.

Иржи РЕЙЛ,
“CzechTrade” агентлигининг Болтқибўйи минтақаси бўйича вакили:

— Ўзбекистонда ишлаб чиқариляётган маҳсулотларнинг сифати, тури ҳамда дизайни йилдан-йилга охиб бормоқда. Кўргазма доирасида намойиш қилинган замонав жуда кам учрайди. Кўргазма чоғида намойиш этилган миллий ўзига хослик ва рангбаранглик ҳам мени ҳайратда қолдирди.

«Жаҳон» АА.
Рига

Депутатлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар истиқболлари юзасидан вазифаларни белгилаб олмоқдалар

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юртимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хом ашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ҳамда полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириб бориш,

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш соҳасида хизмат кўрсатаётган фермерлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, маркетинг ҳамда бошқа инфра-тузилма ташкилотларини рағбатлантириш боробарида, экспорт бўйича соҳада мавжуд имкониятларни янада юксалтиради. Депутатлар мазкур қарор мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотла-

ри ва узумни қайта ишлайдиган партия электорати вакиллари — хусусий мулкдорлар замонавий ускуна ҳамда технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан озод этилиши, қайта ишлаш корхоналари эгалари — қишлоқдаги тадбиркорлар учун берилётган солиқ имтиёзлари орқали қўшимча маблағларга эга бўлишлари, қўшимча иш ўринлари яратиш, пировардида аҳоли турмуш фа-

ровонлигини янада ошириш имконини беришини қайд этдилар. Энг муҳими, у хозирги пайтда жаҳонда шаклланган аънавий бозорларни сақлаб қолиш ҳамда янгиликларни ўзлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлар ҳамда ишбилармонларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштироксини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқариляётган маҳ-

сулотларни минтақа ва дунё бозорларига чиқаришга қаратилган оқилона ҳамда фаол экспорт сиёсатини олиб боришда янги босқични бошлаб беради.

Тадбир якунида давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори мазмун-моҳиятини тадбиркорлар ва фермерлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда мазкур ҳужжат ижроси устидан самарали парламент назоратини амалга оширишга қаратилган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Парламентнинг назорат функцияси сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Қонун лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама қилишга қаратилган 30 дан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари, олимлар, юқори малакали мутахассис ҳамда экспертлар кенг жалб қилинган ҳолда қизғин баҳс ва мунозаралар ташкил этилди. Келиб тушган 200 дан зиёд тақлифлар умумлаштирилиб, уни маромига етказишда ҳисобга олинди.

“Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда парламент назорати субъектлари ҳамда объекти, назорат шакллари ва натижалари, қонун ҳужжатлари ижроси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингнинг амалга ошириш, очиклик ҳамда ошқоралик масалалари аниқ қоғда ва процессуал механизмлар билан тартибга солинган.

Айтиш жоизки, Юртбошимиз гоёси асосида қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун очик демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида қўйилган навбатдаги муҳим қадам бўлиб, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принциплари асосида парламентнинг ролини ошириш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назорати самарадорлигини кучайтиришга қаратилган демократик ўзгаришларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Узоқни кўзлаб ҳаётга татбиқ этиляётган конституциявий ислохотлар шароитида Олий Мажлис палаталари ҳамда энг аввало, фракцияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруш органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга оши-

риш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолиятини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб беради. Шунингдек, янги Қонун пировардида парламент, депутатлар назорати ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, аҳолининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлашга, жойларда муаммоларни оқилона ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Қолаверса, Қонун асосида парламент ва сиёсий партияларнинг давлат ҳамда жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, парламентнинг давлатнинг олий вакиллик органи сифатида, депутатнинг эса халқнинг алоҳида вакили сифатида зиммасига юклатилган вазифани самарали амалга ошириш механизми тақомиллаштирилади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон миллий давлатчилиги негизида, хусусан, парламент ва давлат ҳокимияти юқори органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимида парламентризм гоёларининг янада мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Бинобарин, ҳар қандай демократик давлат ўз халқи иродасини ифода этади, жамият ҳаёти ҳамда давлатни бошқаришда фуқаролар иштироки кенг таъминланишига интилади.

Акмал РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофиа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

Юксак эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Касб-хунар ўрганишляпти. Ота-оналарнинг орзу-ҳавасини рўёбга чиқаришляпти. Буларнинг барчаси, сўзсиз, осойишталик туфайли.

Гарчи, ёшлигимиз қийинчиликда ўтган бўлса-да, кексайганимизда роҳат кўраямиз. Қаерга бормайлик, хурматимиз жойида. Яқинда Тошкент вилоятидаги “Бўстон” санаторийида ўн икки кун дам олиб қайтдим. Бепул йўлланма беришганди. Бундан ташқари, тарихий шаҳарларимиз, табаррук қадамжоларимизни зиёрат қилиш учун тез-тез саёхатлар ташкил этиляётгани қалбимизга қувонч, руҳимизга тетиклик бағишляпти.

Давлатимиз томонидан олиб бориляётган ислохотларнинг ҳар бирини биз, нурунийларга юксак эътибор кўрсатилиши диққатга сазовор. Масалан, ҳар йилнинг 9 май санаси юрти-

мизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан бизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ўтганлар руҳи хотирланади. Мана, бу гал ҳам Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинганини эшитиб, хурсанд бўлдик. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ноғиронларига бир марталик пул муқофоти белгилаиб, уни тантанали ҳамда байрамона тарзда топшириш таъкидланган.

Биз, кексалар кўрсатиляётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан жуда ҳам миннатдормиз. Шундай ғўзал юртда яшашнинг ўзи бахт!

Абдувосиқ АБДУЛЛАЕВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.
Тошкент шаҳри, Ҳатипа тумани

Электрон савдо майдончаси

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилади

Пойтахтимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари учун электрон савдо майдончасини ривожлантириш масаласига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан “Teclot” хорижий корхонаси ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг “Марказий Осиёда минтақавий савдони қўллаб-қувватлаш” дастури кўмағида ташкил этилди.

АНЖУМАН

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, хусусан, унинг сабзавотчилик ва боғдорчилик тармоқлари бўйича кўп асрлик бой таърибага эга мамлакатдир. Қолаверса, қулай табиий ҳамда тупроқ-иклим шароити мавжудлиги туфайли дунёдаги энг маънавий савдони қўллаб-қувватлаш дастури кўмағида ташкил этилди.

завотлар бизнинг ўлкамизда етиштирилади.

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, заминимиз неъматлари бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шаклар, амино ҳамда органик кислоталар, саломатлик учун муҳим бўлган микро-элементлар ва озиқ-овқат ра-

ционида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан турдошларига нисбатан устун туради. Шу боис боғ ҳамда дала неъматларимизга хорижда ҳам талаб низоҳатда катта. Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилаётгани, айниқса, ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ҳамда бошқа қўллаб мева ва сабзавотлар етказиб бериш бўйича жаҳондаги ўнга етакчи давлат қаторидан жой олгани бунинг яққол тасдиғидир.

Президентимизнинг шу йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улар-

дан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадаги ислохотларнинг мантқиқий давоми саналади. Унинг изчил ижроси бўйича олиб бориляётган кенг кўламли ишлар, албатта, экспорт жуғрофиясини янада кенгайтириш имконини беради. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва “Teclot” хорижий корхонаси ҳамкорлигида яратилган www.agrosel.uz электрон савдо майдончаси айна шу мақсадга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Ушбу электрон савдо майдончаси республикамиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари учун мўлжалланган бўлиб, у интернет орқали маҳсулот ёки хизматлар савдосини автоматлаштиришга қара-

билан бирга, маҳаллалардаги 450 нафар кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳамда ноғиронларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Бу борадаги саяё-ҳаракатлар шу йилнинг 12-13 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида янада кенг қулоч ёзди. Яъни 21 минг 476 та оиланинг 521 минг метр квадрат майдондаги уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди, 26 минг 418 та эҳтиёжманд оилалар вакиллари, шундан 11 минг 186 нафар ноғирон ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий кўмак берилди. Ушбу тадбирларга “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳисобидан 106 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Анжуманда ёшлар тарбияси, эрта никоҳ ва оилавий низоларнинг олдини олиш, оилаларни қўллаб-қувватлашда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда фуқаролар йиғинлари олдида турган устувор ва зифалар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

тилган. Чунки савдо-сотик ишлари, тақлифлар, харидорлар ҳамда етказиб берувчиларни танлаш тўлиқ электрон шаклда амалга оширилади.

Тадбирда янги ресурсларни шу каби афзалликларни, ундан фойдаланиш тартиби ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорга кенроқ олиб чиқиш борасида амалга ошириляётган ислохотлар, бу жараёнда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан кўрсатиляётган хизматлар ҳақида тушунтиришлар берилди. Бу фермер хўжаликлари, мева-сабзавот етиштириш ҳамда уни қайта ишлашга иختисослаштирилган кичик корхоналар раҳбарлари учун айна мударра бўлди.

С. ИБДУЛЛАЕВ.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш, замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

“Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинган жорий йилда бу жабадаги ташаббуслар кўлами янада кенгаймоқда. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида тиббиёт муассасалари қуриш ҳамда уларни илғор асбоб-ускуналар билан таъминлаш, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириляптир.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинётган “Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ҳафталиги” доирасидаги ушбу кўргазмалар тиббий-илмий янгиликлар ва ишланмалар билан яқиндан танишиш, соҳа мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашишини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, халқро ҳамкорлиқни кенгайтиришга қатна ҳисса қўшмоқда.

Уч кун давом этиши кўзда тутилган тадбирларда энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар, фармацевтика ҳамда фитотерапия маҳсулотлари, замонавий ташхис аппаратлари, дезинфекция, санитария-гигиена ва реабилитация воситалари, ортопедия, стоматология, имплантология ҳамда жаррохлик асбоб-анжомлари, дори-дармонлар намойиш қилинаптир. Иштирокчилар орасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга, АҚШ, Буюк Британия, Герма-

ния, Нидерландия, Чехия, Швейцария, Ҳиндистон, БАА, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Қозғистон каби давлатларнинг 200 дан зиёд компаниялари ҳам бор.

“Соғлиқни сақлаш — ТИЕ” ҳар йили замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларини, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими тараққиёти йўналишлари ва суратларини акс эттиради. “ТИЕ” қатнашчилари орасида хорж ҳамда мамлакатимиздаги ўнлаб етакчи компанияларни кўришимиз мумкин. Булар тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилардир. Хусусан, жаҳонга машҳур “Samsung”, “Siemens” “Medison”, “BTL” ва бошқа шу каби компаниялар энг янги техник, технологик, илмий ютуқларини намойиш этапти. Бу ерда Ҳиндистон миллий павильонига алоҳида жой ажратилгани диққатимизни тортди. Йирик анжуманда ушбу давлатнинг ўндан ортиқ корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этапти.

— Биз мазкур форумда илк бор қатнашяптимиз, — дейди Ҳиндистоннинг “Тинор” компанияси менежери Хармандип Сингх. — Юртингизда хоржилик инвесторларнинг эркин фаолият юритиши учун барча имконият яратилгани диққатга сазовордир. Компаниямиз узоқ йиллардан буюн ортопедик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда экспорт



қилиш билан шуғулланиб келади. Уйлайманки, ушбу кўргазмалар давомиде кўплаб маҳаллий тадбиркорлар билан манфаатли лойиҳалар устида бизнес шартномалар тузамиз. Кўргазмага ташриф буюрганлар, айниқса, юртимиздаги корхоналар маҳсулотларига катта қизиқиш билдиришяпти.

— Менда “Мадад” компанияси томонидан тақдим қилинётган рентген либослари алоҳида қизиқиш уйғотди, — дейди улардан бири Наргиза Алиёрова. — Биласиз, баъзида бирор сабаб туфайли рентгенга боришга тўғри келади. Ундаги зарар-

ли нурларнинг олдини олишда янги ҳимоя кийимларининг фойдаси катта экан.

“Стоматология — Stomatology Uzbekistan — 2016” кўргазмасида эса тиш даволаш техникиси ускуналари ва материаллари жамланган. Махсус стендлар орқали замонавий протезлаш, тиш касалликларини даволаш технологиялари билан танишиш имкони мавжуд. Бу тажрибали ҳамда эндигина фаолият бошлаётган шифокорларнинг, стоматология билан боғлиқ барча соҳа мутахассисларининг илмий-амалий салоҳиятини оширишга кўмаклашади.

ТАДБИР

Кеча пойтахтимизда “ADWEEK.UZ — Маркетинг ва реклама ҳафталиги” ўз ишини бошлади.

Маркетинг ва реклама ҳафталиги

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот, “Ўзстандарт” агентликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилди.

Реклама, маркетинг, дизайн, медиа ва бошқа тегишли соҳалар мутахассислари илк маротаба бир жойга жамланганидан ушбу ҳафталик давомиде нафақат ўзаро тажриба ёки фикр алмашилади, балки бир қатор ийрик тадбирлар ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Масалан, Давлат рақобат қўмитасининг Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Дилшод Азимовнинг айтишича, тадбир асносида уюштирилдиган “USENET” конференциясида маҳаллий мутахассислар қаторида хоржий экспертлар ҳам иштирок этса, “ADFORUM — 2016” кўргазмасида мамлакатимизда фаолият юритаётган “Usso Design”, “Paradigma Print”, “Media City”, “Ishonch”, “Ruhsana” сингари етакчи компаниялар ўз маҳсулот ҳамда хизматларини кенг омма эътиборига ҳавола қилади.

Шу билан бирга, ҳафталикнинг муҳим йўналишларидан бўлимиш “Йилнинг энг яхши бренди” танловида 52 та компания томонидан 60 дан ортиқ савдо маркалари намойиш этилиши баробарида, “Энг яхши реклама лойиҳаси”да 23 та дизайн-студия 100 дан зиёд ишларини тақдим қилади. Ушбу ишланмаларнинг маълум қисми ёшларга тегишли эканлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Ҳафталикда, шунингдек, хоржий ва маҳаллий экспертлар иштирокида реклама бозори ҳамда маркетинг соҳасига оид мастер-класс ва семинарлар ўтказилиши мўлжалланаётгани унинг янада самарали кечишидан далолат беради.

Дилшод УЛУҒМУРОВО,
«Халқ сўзи» мухбири.

Стоматологиянинг долзарб масалалари

Тошкентда ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда кенг муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз олимлари, шифокорлар, жамоат ташкилотлари ҳамда хоржилик мутахассислар, тиббиёт анжомлари ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари, талаба-ёшлар қатнашган мазкур тадбирда юртимизда аҳоли саломатлиги муҳофазаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани алоҳида таъкидланди. Бинобарин, республикаимизда халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш ва бунёд этилаётган даволаш муассасаларида ноёб технологиялар орқали хизмат кўрсатишга қодир мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляптир.

Президентимизнинг 2014 йил 22 июлдаги “Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори бу борадаги сайёҳаракатларни янги bosқичга олиб чиқди. Анжуманда юртимизда ушбу соҳада кўлга киритилган ютуқлар, илмий излашлар натижалари ҳақида ҳам сўз юритилди. Мазкур конференциядан мақсад тармоқнинг ривожланиш bosқичлари, тиббиёт тараққиётининг

инсон саломатлигини асрашдаги ўрни, болалар стоматологик касалликларини даволаш ҳамда бошқа бир қатор йўналишларда халқаро аҳамиятга эришилган ютуқ ва тажрибаларни ўрганиш ҳамда кенг амаллаштиришдан иборат. Тадбирда тиббиётнинг ушбу йўналишига оид замонавий жиҳозлар, тиш қаттиқ тўқималари патологияси, беморларни даволашга инди-

видуал ёндашув, протезлашнинг муҳим жиҳатлари каби мавзуларда маърузалар тингланди. Халқаро илмий-амалий анжуманда Тошкент давлат стоматология институтини би-туриручилар ва илмий ходим-изланувчилар ўртасида “Энг яхши реставрация” танлови ўтказилди. Ҳалиқларнинг аниқлашда эса иштирокчиларнинг назарий билимини

амалиётда қўллай олиши, тиш касаллигини даволашда ишлатилдиган техник воситалардан самарали фойдалана олиш, беморлар билан мулоқот сингари жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. — Компаниямиз жаҳоннинг турли давлатларида стоматология соҳасида зарур бўлган энг замонавий ускуналарни етказиб беради, — дейди Жанубий корейлик тадбиркор Жонгпил Чои. — Биз юртин-

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

«NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич ошиб бориш тартибиде ўтказилдиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 6 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтдиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти Олмалик шаҳар СИБ томонидан 2016 йил 8 февралдаги 887-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 К 471 МА бўлган, «ГБА СПГ Nexia SOHC» русумли автотранспорт воситаси.
2. Тошкент вилояти Охангарон тумани СИБ томонидан ФИБ Янгикўрган туманларо судининг 2015 йил 15 октябрдаги 2845/2015-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 L 945 FA бўлган, «ГБА Damas 150-CTT» русумли автотранспорт воситаси.
3. Тошкент вилояти Охангарон тумани СИБ томонидан ФИБ Янгикўрган туманларо судининг 2015 йил 15 октябрдаги 2845/2015-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 L 945 FA бўлган, «ГБА Damas 150-CTT» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 31 836 319,44 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдо бошланғич баҳоси бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг АТ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (+99895) 177-84-77.

Гувоҳнома № 004593.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич ошиб бориш тартибиде ўтказилдиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Акциядорлик тижорат Халқ банки Миробод тумани филиалининг 2016 йил 19 февралдаги 09-02/70-сонли буюртманомасига асосан, Акциядорлик тижорат Халқ банки тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлик 4-мавзе, 50-уйда жойлашган, умумий майдони 63 кв.м.дан иборат бўлган (9 қаватли бионинг 1-қавати бир қисми) 359-сонли шохобча биноси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 186 763 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 10 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2016 йил 10 май куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 17, 24, 31 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш куни олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига

Талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Савдо қолибига аукцион савдоси натижалари бўйича қолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, Телефон: (0-371) 233-09-38.

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Тошкент шаҳар филиали

бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич ошиб бориш тартибиде ўтказилдиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманларо судининг бир неча ижро варақаларига бирлаштириб қўзғатилган ижро ишига асосан, «159-қурилиш трестига қарашли ҚБ-9» АЖга тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уйда жойлашган, умумий майдони 2799 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 070 226 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 20 май куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2016 йил 18 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, хоржий юридик ва жисмоний шахслар сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот тақдим этадилар.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетимиз ҳақида маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Ташхириятга келган қўлаб маълумотларни тақдим қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таххирият жавобгар эмас.

Гезетимиз таххирият компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Гезетимиз полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббеёв.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50

Тошхирилди — 21.50 1 2 3 4 5 6